



1921-1923 йиллари орасида Совет иттифокида катта очарчилик фалокати юз берди. 1920-йилларнинг бошида бу очарчилик, Крим, Украина, Эдил-Урал минтакалари билан бирга Козогистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1920 йилининг киш фасли шиддатли даражада совук булиши ва Совет иттифокининг талончилик сиёсати ҳамда халкни эзиши натижасида сунъий очарчилик келиб чиккан эди.

1930-1933 йиллари орасида ҳам ҳукуматнинг туб аҳолини киргин қилиш, сиёсати туфайли яна очарчилик пайдо бўлди. 2006 йилининг 28 ноябрида, Украина Парламенти бу очарчиликнинг Совет режими тарафидан Марказий Осиё туркийларини бир-биридан ажратиб душман қилиш мақсадида атайлаб уюштирилганлигини айтди. Сталин пайтида рўй берган очарчиликда, 10 миллион украин вафот этганди. Яна ўша фожианинг иккинчи кўп сонли қурбонлари (2.230.000) козогистонлик козок туркийлари бўлган.

Ўша пайтларда содир бўлган очарчилик фалокатининг олдини олиш мақсадида Туркия Миллий Мажлиси томонидан иш бошлаган Исмоил Субҳи Бей, ёзган рапортида “бу очарчиликда энг кўп қурбонлари бошқирд, татар, козок ва киргиз болаларидан ташкил топганини” айтганди ва ушбу болалардан 20-30 мингга яқинини вақтинчалик Туркияга олиб келишни таклиф қилган эди.

1930 йилининг бошида 19 ёшдаги доктор киз, рус миллатига мансуб Татьяна Невадовская Алмати кўчаларидаги очликдан ўлган инсонларни кўриб, юраги эзилган эди. У кўрган

кўркинчли манзарасини ўзининг кундалигиги ёзиб ва мудхиш манзараларни чизишга ҳаракат қилган. Юрагига оғрик берган ўша очликдан ўлган инсонларнинг холини англатадиган бир шеър ҳам ёзган. Татьяна калбида ўчмас из қолдирган очликни унутмади, орадан йиллар ўтиб, 1990 йили Алматига келди, 1993 йили очлик пайтида тутган кундалигини, ёзган шеърларини ва ўз кўллари билан қизган очарчилик қурбонларининг тасвирларини Козогистон Давлат Архивига топширди.

Татьяна Неводовская бу ҳужжатларни архивга берганида ёнига қичкинагина қогозга эслатма қолдирган. Бу эслатмада: “Ўша киш биз ҳамда маҳаллий халқ учун сўз билан таърифлаб бера олмайдиган даражада, шиддатли бир киш бўлди. Мен жуда ҳам ёш эдим. Шунинг учун ўша дахшатли очлик ва қаҳатчиликни, шу замонда жохил бўлган халқнинг вазиятини ўйлаб, жуда қаттиқ қийналдим. Қозоқларнинг бугунги авлодлари, очликдан вафот этган ота ва боболарини, ёшу қарини ер юзидан бутунлай йўқ қилган очарчиликни, бўшаб қолган қишлоқ-шаҳарларни, совуқда қотиб ва турли хил ҳасталикларга дучор бўлган қурбонларини унутмасин, дейман”, деб ёзганди.

Татьяна қувоҳ бўлган қодисалар, ҳақиқатан инсоният тарихининг энг қўркинчли, энг дахшатли воқеаларидан бири эди. 1920-1933 йиллари орасида сунъий йўл билан қодир қилинган очарчилик қожиази сабабли қозоқларнинг 49 қоизи, яъни 2.230.000 қиши ва қолларнинг 90 қоизи, яъни 36.000.000 йўқ бўлганлиги қўйхатга олинган. Қозоқ тарихқиси Манас Қўзибоев, бу қожиянинг қозоқ турқлари тарихида энг оғир ва энг дахшатлиси бўлганлигини таъқидлаган.